

**PEDAGOGIK NIZOLAR VA ZIDDIYATLARNING FALSAFIY, PEDAGOGIK-  
PSIXOLOGIK TASNIFI**

**Dexkonova Mamura Ulmasovna**

**Aqmirzayeva Nafisa Ikrom qizi**

**Tulaganova Sevara Fozil qizi**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada pedagogik nizolarning asosiy sabablari va pedagogning pertseptiv (o'quvchi, talabalarni tushunish) xatolari. Pedagogning o'quvchi-talabalar bilan ish yoki shaxsiy ish yuzasidan bo'ladigan kelishmovchiliklari va ularni bartaraf etishning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan. Yosh pedagoglar faoliyatida odatda yo'l qo'yiladigan xatolar va ularni yengish yo'llari batafsil tushuntirib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:** pedagogik nizolar, pedagogning pertseptiv (o'quvchi, talabalarni tushunish) xatolari, shaxsiy ish.*

**PHILOSOPHICAL, PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL  
CLASSIFICATION OF PEDAGOGICAL DISPUTES AND CONFLICTS**

***Abstract.** In this article, the main causes of pedagogical conflicts and perceptual errors of the pedagogue (reader, student understanding) are discussed. Disagreements between the teacher and the students regarding work or personal work and the specific features of their resolution are highlighted. Common mistakes made by young pedagogues and ways to overcome them are explained in detail.*

***Key words:** pedagogic conflicts, perceptual errors of the pedagogue (understanding the student, students), personal work.*

**ФИЛОСОФСКО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ И ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ  
КЛАССИФИКАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ СПОРОВ И КОНФЛИКТОВ**

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются основные причины педагогических конфликтов и перцептивных ошибок педагога (читателя, учащихся). Выделены разногласия между учителем и учениками по поводу трудовой или личной работы и особенности их разрешения. Подробно объяснены типичные ошибки молодых педагогов и пути их преодоления.*

***Ключевые слова:** педагогические конфликты, перцептивные ошибки педагога (понимание ученика, учащихся), личностная работа.*

Инсон ўз ҳаётида болалик давриданок бошқа инсонлар билан турли ижтимоий муносабатларга киришади. Ана шу муносабатлар эса ҳар доим ҳам бир текис, силлиқ ва тинч давом этавермайди. Ҳаётнинг бир текис давом этишини турли низо ва зиддиятлар бузиб туради. Конфликт ҳар бир инсон ҳаётига алоқадор бўлган ўзига ҳос жараён бўлиб, ҳеч бир инсон ўзини комил ишонч билан конфликтли вазиятлардан муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Конфликтлар инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида конфликтлар билан тўқнаш келади. Конфликтлар табиий ҳодиса бўлиб, конфликт билан тўғри муносабат ўрнатиш инсон тарбияси, унинг шаклланишининг зарурий талабларидан биридир.

Хўш, аслида конфликт нима, уни енгиб бўладими, ундан инсон ўзини эҳтиёт қилиши мумкинми, конфликтсиз яшашнинг тартиб ва қодалари мавжудми, улар нималардан иборат?

Ушбу саволлар ҳаммани қизиқтириши табиий.

Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомала-муносабатлар катта ўрин эгаллайди. Муаллим педагогик жараёнда асосий фигура, етакчи кишидир. Ўқитувчи педагогик ишда фидойилик кўрсатиб, муаллимлик бурчини юксак даражада бажариб, болаларга билим бериб, улар қалбига ҳалоллик, гўзаллик, ҳақиқат, одоб-ахлоқ нурини сингдира олса шарафли вазифасини доғ туширмай бажарган саналади, ҳурмат-эътибор топади. Шогирдлари томонидан улуғланади.

Афсуски, ҳамма муаллимлар ҳақида ҳам шундай дейиш қийин. Ўзининг дағал муомаласи билан боланинг кўнглини ўқишдан совитиб, дилини ўринсиз ранжитадиганлар ҳам учраб туради. Педагогик амалиёт, бадиий адабиётда бунга мисол бўладиган далиллар кўп. Бундайлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига салбий таъсир этадилар. Тарбиявий ишларга тузатиш қийин бўлган даражада зиён етказадилар. Натижада ўқитувчи билан ўқувчи, талаба ўртасида низо туғила бошлайди.

Баркамол, ижодкор шахсни шакллантиришга, тарбиялашга доир ахлоқий нормалар педагогик этикада ифодаланган. Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шартларидан бири ўзаро ишонч, ҳамжиҳатликда мақсад сари устоз ва шогирд мақомида ҳамкорликда интилишдир. Бу қонуният педагогик амалиётда кўп марта синовдан ўтган ва ўзини оқлаган. Муаллимлар, талабалар билан ўтказилган суҳбат натижалари шундан далолат берадики, мактабда хушмуомала, ўқувчиларга ҳам ота-она, дўст, раҳбар бўла олган ўқитувчиларгина муваффақиятларга эришадилар. Аксинча кўпол, ўзини босолмаган, ўйламай ҳукмлар чиқаришга мойил ўқитувчилар муаммолар орасида қоладилар.

Педагогик жараён, тарбия жараёни, одамларнинг табиати шу даражада мураккабки, муаллим баъзан истаса-истамаса кўполлик қилишга «мажбур» бўлади, ўқувчи муаллимнинг ўринли талабларини бажармаётган пайтларида у ўзини тута олмай қолади. Муаллим ўз талабларини, ҳатто кўполлик ҳолатини ҳам, болага яхшилик қиляпман деб ҳисоблайди, чунки бу ишни болага билим бериш, уни тўғри ёлга солиш, яхши одам қилиб тарбиялаш учун қилаётганлигига ишонади. Афсуски, бу тўғри хулоса эмас. Саъдий Шеързийнинг «Гулистон» (Тошкент, 1968) асарининг «Тарбия таъсири баёни» бобидаги ҳикоятлар, Алишер Навоийнинг «Маҳбуб - ул - қулуб» асаридаги «Мударрислар тўғрисида», «Мактабдорлар тўғрисида»ги асарларида билдирилган мулоҳазалар бу фикримизга ҳамоҳангдир.

Баъзи ҳолатлар, масалан тарбияси қийин бола билан муомала-муносабатлар жараёнида содир бўлади. Унутмаслик лозимки, бундай бола одатда, носоғлом муҳитли оилада вояга етади. Тажрибали педагоглар тарбияси қийин болалар билан ишлаш, муомала қилиш мураккаблигини, шу билан бирга улар меҳрга зор, эътиборга муҳтож эканлигми, бундайларга мўсбатан бардошли, сабр-тоқатли, кечиримли бўлган зарурлигини ҳам ҳис этишлари лозим.

Маълумки, жисмоний жароҳат олган болани ўқитувчи жазоламайди. Жисмоний тарбия муаллими оёғи жароҳатланган боладан югуриш мусобақасида қатнашишни талаб этмайди. Бола баъзан қалби, руби жароҳатланган ҳолда мактабга келиши мумкин. Таълим жараёнида бунга барча ўқитувчилар бирдек эътиборга олишадими? Бахтга қарши, ёқ. Бола жавоб беришни ҳохламапти, дарс тайёрлашни истамаган — деб ҳисоблаб, унга нисбатан қатъий талаб қўйиш ҳоллари бор. Бу ўринда эзгулик қиламан деб, «ёзувлик» қилиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Муаллимнинг бирор тасодифий хатти-ҳаракат натижасида ўқувчиларда у ҳақда содир бўлган фикр ҳам таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир этиши, муаллимнинг

ишини мурак-каблаштириши мумкин. Одатда бундай зиддиятлар узоқ давом этади». (Малла Очилов. Муаллим қалб меъмори. Тошкент, «Ўқитувчи». 2001 йил. 56-57 бетлар). Натижада ўқитувчи билан ўқувчи орасида низолар чиқади. Ўқувчи ўқитувчидан норози ҳолда, ундан узоқлашиб юради. Айрим ҳолларда муаллимни ҳимоя қиламан деб, катталар боладан кечирим сўрашни талаб этадилар, ҳолбуки бу низога ўқитувчининг нотўғри хатти-ҳаракати сабаб бўлган. Бундай вақтда боланинг кадр-қиммати ҳисобга олинмайди.

Айрим ҳолларда болага масъулиятли ишларни топширадилар, бола эса бундай пайтларда катталар топшириғини бажармай қўяди, ўзининг мустақиллигини чеклашларини ёқтирмайди, катталарнинг талабларига кўпинча салбий муносабатда бўлади. Ўғил ёки қизларининг улғайиб қолганлигини сезмаган, уларни ҳали ҳам «ёш бола» деб ҳисоблайдиган оилаларда ўсмир билан катталар ўртасида тез-тез низолар, тўқнашувлар вужудга келади.

Катталар болага қандай муносабатда бўлшлари керак? Аввало, боланинг ҳулқига доимий эътибор бериш, унинг ҳулқига қатъий, узлуксиз раҳбарлик қилиш, шунингдек, буларнинг ҳаммасини шундай амалга ошириш керакки, бола майда-чуйда ишларида ҳам катталарнинг васийлигини сезмасин. Айниқса, ўсмир ёшидагилар уларнинг ҳаётдаги янги мавқелари билан ҳисоблашадиган, уларни «кичкина» деб ҳисобламайдиган, талабчан, лекин адолатли ўқитувчиларни ҳурмат қиладилар.

Катта ёшли болалар учун қизиқишларини турли-туманлиги характерлидир. Бу қизиқишлар тўғри тарбияланса, ўсмирлар қобилиятлари ва майлларининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билан иш ёки шахсий иш юзасидан айрим вақтларда келишмовчиликлари бўлиб туради. Ўқувчи атрофдагиларнинг унга берган баҳосига нисбатан танқидий қарайди. Унинг кайфиятидаги ранжиш ва иккиланишнинг сабаби ҳам ана шунда. Тасодифий муваффақият ёки катталарнинг мақтаб қўйиши боланинг ўзига ортиқча баҳо беришига, ўзига ҳаддан ташқари ишонувчанликка, мақтанчоқликка олиб келади. Ҳатто, вақтинча тасодифий муваффақиятсизлик болада ўз кучига ишонмасликни уйғотиши, иккиланиш, қўрқоқлик, журъатсизлик ва уятчанлик ҳиссини ошириб юбориши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болалар билан бўладиган муносабати алоҳида назокатни талаб этади. Ўсмирлик ёшида заиф, мустақил эмас, кичкина деб ном чиқаришдан қўрқиш хавфи кучаяди.

Муомаладаги дағаллик, талабчанлик, ҳурматсизлик, ўқувчига менсимай муомалада бўлиш, «яхши тушу-наман» деб ҳисоблаган масалалари бўйича ўзларининг мустақил фикрларини айтиш ҳуқуқини камситиш, уларнинг юқори натижаларга эришишидаги куч ва имкониятларига шубҳаланиш, одатда норозилик ёки аниқ ифодаланган бошқа бир салбий реакциялар — ҳодисаларни ҳосил қилади.

Айрим ўқитувчилар ҳаётида муайян хатолар учраб туради. Ўқитувчилар (ёш ўқитувчилар назарда тутилаяпти) бир хил ўқувчиларни (ўзлаштираётган) доим мақтайдилар, бошқаларни (ўзлаштирмаётган) ҳамиша қийиқидилар. Бунинг устига ўзлаштирмаётганларга одатда, ўзлаштирган синфдош-ларига нисбатан тез-тез ва қаттиқ танбех берадилар. Ҳатто паст ўзлаштирадиган ўқувчиларни жавоб беришга камдан-кам таклиф қиладилар.

Мана бундай вазиятда ўқувчилар бир-бирларига нисбатан қарам бўлиб қоладилар, ўқитувчига нисбатан норозилик кайфияти уйғонади паст ўзлаштирган ўқувчига «ёмон»

баҳо қўйилади, бунинг устига бир неча кўнгилбузар аччик, истехзоли сўзлар ҳам айтилади, бу хатони ўқувчи умрбод кечирмайди.

Ёш ўқитувчилар ҳаётида учрайдиган яна бир типик хатолардан бири яхши ўқийдиган ўқувчи билан ёмон ўқийдиган ўқувҳини бир-бирига таққослаш ва аълочи ўқувчини мисол қилиб кўрсатишдир.

Умуман олганда, болаларни бир-бири билан таққослаш, бирини иккинчисига ибрат қилиб кўрсатиш педагогик томондан ҳам, ахлоқ томондан ҳам нотўғри, катта хатодир.

Бундан ташқари, ўқитувчи томонидан ўқувчилар билимини баҳолашда ҳам хатоликларга ёл қўйилиши ўқув-билиш фаолиятини ўзгаришига олиб келади, ўқитувчини эса ўқувчилар жамоасида обрўсизлантиради.

Педагогик низолар хусусиятлари:

- низонинг педагогик тўғри ҳал қилиниши учун ўқитувчининг масъулияти (лекин бунда олий ўқув юрти ўқитувчиси балоғатга этган, ўз ҳараракатлари учун масъул ёшдаги инсонлар билан ишлашини ёддан чиқармасУк керак);

- низо иштирокчилари ҳар хил ижтимоий даражададирлар (ўқитувчи-ўқувчи);

- бу эса низода томонларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўртасида фарқ бўлишини таъминлайди;

- низо иштирокчиларининг ҳаёт тажрибасидаги фарқ уларни ҳар хил позисияга ажратади ва унинг эчилишида уларнинг масъулият даражасини ҳам фарқлайди;

- иштирокчилар воқеаларга ҳар хил кўз билан қарайдилар, шунинг учун ўқитувчи учун талаба ички кечинмаларини тушуниш қийин бўлса, талабага ўз ҳиссиётларини бошқариш қийиндир;

- педагогик низо одатда бошқа талабалар гувоҳлигида бўлиб ўтади ва улар учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга; (вазифа - талқин)

- ўқитувчининг касбий позисияси уни низони эчишда ташаббусни ўз қўлига олишга ва биринчи ўринга шаклланаётган шахснинг манфаатларини қўйишга мажбурлайди;

- ҳар бир хато яна бошқа низоларни келтириб чиқаради;

- низони ечгандан кўра уни олдини олиш афзалроқдир.

Педагогик вазият ва низоларни ечишда қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

- ўқитувчи талабаларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини тўғри ташкиллашни билиши зарур;

- одатда ўзлаштириши паст бўлган, хулқи ёмон ўқувчи иштирокидаги педагогик вазият низога кўпроқ айланади. Шунинг учун биринехи эътиборни шундай ўқувчиларга қаратиб уларга ўз вақтида педагогик таъсир ўтказиш, ёрдам бериш керак.

- ёмон хулқ учун паст баҳо қўйиш орқали жазолаб бўлмайди - бу низонинг чуқурлашишига ва фанга бўлган қизиқишнинг сусайишига олиб келади;

- Педагогик низоларда тўлиқ айбдор - айбсизлар, ютган ва ютқизганлар бўлмайди.

- Ўқитувчида педагогик тактнинг шаклланмаганлиги кўп педагогик низоларга сабаб бўлади (бунда ўқитувсби талабалар нафсониятига тегадиган ҳаракатларни амалга оширади).

- Кўпинча ўқитувчи таъсирнинг новербал воситаларидан тўғри фойдаланишни, ўқувҳини эшитишни билмаслиги низога олиб келади.



- Ўқитувчилар жазони низоларни ечишда асосий восита деб биладилар. Лекин кўрқув ҳеч қачон яхши оқибатга олиб келмайди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқотидан асосий мақсад:

- салбий ҳолларни вужудга келтирувчи барча жараёнларга барҳам бериш;
- ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларни фаолликка, эркин фикрлашга, ўз фикр-мулоҳазаларини чўчимасдан баён қилиб унга таянишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг яширин қобилиятларини ривожлантириш;
- дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда қувонч ва шодлик кайфиятини пайдо қилиш.

А.С. Макаренконинг фикрича, ўқитувчи мулоқоти ҳурмат ва талабчанликка асосланган мимосабат шаклида бўлиши лозим.

В.Д.Сухомлинский ўқитувчининг "...мактаб ҳовлисида гапирган ҳар бир сўзи пухта ўйланган, ақл ва мулоҳазаларга бой, маълум бир тарбиявий мақсадга қаратилган бўлиши керак" деб таъкидлайди. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи олимнинг фикрича, нафақат ўқувчи қулоғига айтилади, балки унинг қалбига ҳам қаратилган бўлиши шарт. Умуман илғор ўқитувчиларнинг фикрича, таълим ва тарбия фақат ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлик позицияси асосидаги мулоқот жараёнида қурилади.

Ўқитувчининг ўз психик ҳолатини ўзи тартибга солиши лозим.

Сабр-тоқат, ташқи вазминлик нуктаи назаридан ўз ҳис-туйғаларини қўлга олишигина ниҳоятда муҳим бўлиб қолмасдан, шу билан бирга турли ҳиссиётли ҳолатларнинг рўй бериши ва кечишини маълум даражада бошқара билиш, кечинмаларнинг ижобий тусда боишига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки ҳатто жанжалли вазиятларга ҳам турлича ёндашиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан кишининг қандай ёъл тутишига боғлиқ бўлади.

Ноҳуш ҳиссиётларни ёқотиш ёки камайтиришга, масалан. қуйидагича ёъл тутиш ёрдам беради: менга осойишта, дадил овоз билан дарс олиб бориш, тарбиявий тадбирлар ўтказиш, сабр-тоқат ва ўзини тута билиш намунасини кўрсатиш завқ бағишлайди, ўқувчилар орасида жанжалли вазият чиқиб қолгудай бўлса, сабр-тоқат ва хушмуомала бақриб, асабийлашаётган, қизишаётган, кадр-қимматини ёқатаётган кишидан юқори туриш ва шу кабилар инсонга ҳузур бағишлайди.

Шуни эсда тутиш керакки, киши ғазабланганда, айниқса унинг кучли босқичи бўлган жаҳл отига минганда, ақл-идрок хулқ-атворни назорат қиломай қолади. Бу шундай ҳолатки, бу ҳақда римлик шоир Гратсий гапириб, тажанглик билан қилинган дарғазаблик қисқа муддатли ақлдан озишдир, деб таъкидлаган эди. Дарғазабликни фақат бошланишида енгиш мумкин, шу сабабли киши ўзининг жаҳли чиқа бошлаганини сезиб, ўзига-ўзи шундай буйруқ бериши лозим: ўзимни яхши тутишим керак, ўз ҳис-туйғуларимни бошқариб, бебош ҳиссиётларга берилиб кетмаслигим лозим. Айниқса, ўқитувчи ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билиши зарур, у сабр-тоқат, мулойимлик, холислик кўрсата билишда намуна бўлиши лозим.

Янада қувноқроқ, оптимистроқ, вазминроқ бўлиш учун ҳамда ёвузлик, тушқинлик бўлган салбий кечинмаларга ёъл қўймаслик учун киши ўз онгини, ақлини кўп даражада сафарбар қилиши, бу ҳолатларнинг сабабларини тушуниши ва уларга барҳам бериш зарур. Киши ҳаётидаги иқир-чиқирлардан юқори кўтарила олиши, ўзининг диққат - эътиборини асосий, муҳим нарсага қарата билиши муҳимдир. Акс ҳолда уни кундалик майда-чуйда жанжаллар ва улар билан боғлиқ салбий ҳиссиётлар «еб битириш»и мумкин. У доимий равишда аччиғлана бошлайди, атрофидагилар билан ўз муносабатларида вазминликни ёқота бошлайди, ўқитувчилик касби ҳақида гап кетганда бунга асло ёъл қўйиб бўлмайди.

Киши ўзини ёмон ҳис қилганда, унда ўз-ўзини назорат қилиш заифлашиб қолади, унинг ҳулқ-атвори вазмин бўлмай қолади, ҳар хил беихтиёр ва ўйланмаган хатти-ҳаракатлар, жанжаллар, ахлоқий нормаларнинг бузилиши содир бўлиши мумкин, ўз-ўзига таъсир қилиш ҳиссий жараёнларнинг ижобий ҳолатига, кишининг саломатлиги яхши бўлишига ёрдам беради, унинг иродаси вафеъл-атворида билвосита таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг ишида муомаланинг турли босқичларида унинг эмоционал кайфияти, фаолиятига ҳозирлик кўриш жараёнида, уни амалга ошириш даврида, муомала амалга ошганда кейинги ҳис қилинадиган сезгиларда ва кечинмаларда муҳим рол ўйнайди.

Синф билан муомала қилишдан олдин ижодий кайфиятни вужудга келтирадиган омилларни излаш дарсга ҳозирлик кўришдаги бутун жараённи камраб олади ва ўқитувчига бўлажак фаолиятининг умумий жўшқин вазиятини ҳис қилишга ёрдам беради. Худди ана шу дарс ва муомаланинг бўлажак вазиятини ҳис қилиш зарур ижодий ўзаро филер алмашиш кайфиятининг пайдо бўлишига кўмакиашади, педагогнинг ижодий табиатини сафарбар қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомалани тартибга солувчи талаблардан бин боланинг ҳулқини, бола бажарган ишни одилонга, тўғри ва адолатли баҳолашдир. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур «куч-адолатда» деб бежиз таъкидламаганлар. Болаларда адолат туйғуси мактабда шаклланади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. *Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. - Qarshi.: Nasaf, 2000.*
2. *Tolipov O', Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tabiiy asoslari. - T.: 2005.*
3. *Avliyakov N. X., Musayeva N. N. Pedagogik texnologiya. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik.*
4. *Azizxodjayeva N.N. Pedagogicheskiye texnologii i pedagogicheskoye masterstvo. -Tashkent: Moliya, 2002.*
5. *Azizxodjayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat - T.: Fan, 2006.*

M R